

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТРАКТОРЛАР

*Магистрант М.А. ХАСАНОВА (ТДТУ),
арх.ф.д. Т.Ш. МАМАТМУСАЕВ (ТАҒИ)*

Ушбу мақола Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилаётган тракторларга бағишланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги техникаларининг ташқи кўриниш дизайнлари, уларнинг параметрлари ва турлари кўриб чиқилган.

Данная статья посвящена тракторам производимый на Ташкентском тракторном заводе в нем рассматриваются дизайны внешнего вида, их параметры и виды сельскохозяйственных тракторов.

This article is dedicated to the tractors produced at the Tashkent Tractor Factory, which looks at the design, appearance and parameters of agricultural machinery.

Калит сўзлар: тракторлар дизайни, техника, универсал, тиркама, боғдорчилик, дизайн, чопиқ.

“Тошкент трактор заводи” ОАЖ – йирик саноат корхонаси бўлиб, “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” компанияси таркибига киради. Универсал чопиқ тракторлари, пахтачилик тракторлари, пахта ташиш тиркамалари ишлаб чиқаради. Ўқдори ишлаб чиқарадиган завод сифатида 1942 йилда ташкил қилинган. 1942 йилдан бошланган эвакуация қилинган корхоналар базасида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги завод қурилди. 1944 йилда завод озиқ-овқат саноати ускуналари ва кенг истеъмол маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қайта мослаштирилди[2]. 1945 йилда озиқ-овқат машинасозлиги заводи (“Ташпродмаш”) га айлантирилиб, озиқ-овқат саноати учун ускуналар ва маиший хўжалик моллари ишлаб чиқарилган. 1950 йилда эса пахта тозалаш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1950 йилдан Пахтачилик машинасозлиги заводи деб аталиб, унда пахтага дастлабки

ишлов бериш учун машиналар, куриштиозалаш цехлари учун ускуналар тайёрланган. 1956 йилда завод пахта толаси ташиш учун трактор тиркамаларини ишлаб чиқаришни бошлади. Ўзбекистон пахта саноатининг комплекс механизациялашуви маҳаллий шароитга ихтисослашган пахта тракторини яратиш заруриятини туғдирди. 1957 йилдан пахта ташийдиган транспорт воситалари ва ГАЗ51 автомашинаси эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган “Ташавтомаш” заводига айлантирилган. 1967 йилда реконструкция қилинган. 1969 йилда тиркамалар етказиб бериш ҳажмини туширмасдан, Т-28х4 русумли тракторлар ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тракторларнинг уч ва тўрт ғилдиракли моделлари етказиб берилди. 1970 йилнинг 29 январида Ўзбекистон трактор йиғиш заводининг асосий линиясидан Т-28х4 русумли биринчи трактор чиқди. Ўша йили завод Тошкент трактор заводи деб қайта номланди. 1970 йилнинг 29 январида Ўзбекистон трактор йиғиш заводининг асосий линиясидан Т-28х4 русумли биринчи трактор чиқди. Ўша йили завод Тошкент трактор заводи деб қайта номланди. Пахта машиналарининг характерли хусусияти ер (тупроқ)дан анча юқорида эканидир. Пахта 1 метргача ўсади ва машиналар экинларни зиёнламай, ундан баландда ҳаракатланиши керак. Тракторларга осма пахта териш комбайнлари ўрнатилди. 1970 йилдан Россиядаги Владимир трактор заводида ишлаб чиқарилган тайёр агрегат ва узеллардан пахтачилик учун мослаштирилган (пахта модификациясидаги) Т28Х4 тракторлари йиғилган, 1972 йилдан заводнинг ўзида тайёрланган узеллардан тракторлар ишлаб чиқарила бошлади. 1976 йилда пахта модификациясидаги анча қувватли ва тежамкор МТ380Х тракторини ишлаб чиқаришга ўзлаштирилди. 1977 йилда завод пахтачиликка мослашган Беларус МТЗ-80Х тракторларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди[3]. Уч ва тўрт ғилдиракли ТТЗ-80 русумли тракторлар мустақил ишлаб чиқилган сўнгги модификация бўлди. Завод банкротлик жараёнини бошдан кечирди ва беларус тракторларини йиғишга киришди. 1995 йилдан ҳозирги номдадир. 1997 йилдан АҚШ нинг “Кейс” фирмаси билан

хамкорликда трактор ишлаб чиқарадиган “Ўзбеккейстрактор” қўшма корхонаси ташкил этилди [4].

Республикамиз қишлоқ хўжалигида механик энергетика воситаларининг салмоғи аста-секин орта бошлади. Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, ғалла, каноп ва бошқалар) кўп меҳнат талаб қилгани сабабли суғоришда насос қурилмаларини ҳаракатга келтириш учун механик моторлар кўп қўлланилар эди[6].

Мустақиллик йилларидан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. Кўплаб хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган энг илғор қишлоқ хўжалик техникаси Ўзбекистонга кириб келди. Давлат бош ислохотчи бўлиб қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар юз берди. Пахтачилик бироз қисқартирилиб, ғаллачилик жадал ривожланди. Жуда оз вақт ичида Ўзбекистон ғалла мустақиллигини қўлга киритди. Мулкчилик шаклининг ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштириб бера бошлади[7]. Фермерлик ҳаракати ривожланган сари хўжаликлар энг замонавий, унумдор ва юқори қувватли трактор, автомобил ва қишлоқ хўжалик техникасини сотиб ола бошлади. Мамлакатимиз фермер хўжалигини техника билан тўла-тўқис таъминланишига олиб келади.

Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан ташкил этилган автомобилсозлик ва тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги техникалари саноати мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда Тошкент трактор заводида «New Holland TT40», «TTZ-LS i38», «John Deere 3045B», «TTZ-LS U62», «TTZ 812», «AXOS 340C», «100HC», «TTZ 811», «New Holland TD5.110», «John Deere 6110B», «John Deere 6135B», «New Holland T6070» каби тракторлар ишлаб чиқарилади ва йиғилади[5]. Қуйида уларнинг айримларининг параметрларига тўхталиб ўтамиз:

TTZ-LS i38» КИЧИК ҲАЖМЛИ ТРАКТОР[1, 9-6.]

Тури	Кичик ҳажмли	
-------------	---------------------	--

Двигатель тури	3-цилиндрли		
Номинал қуввати, кВт, (о.к.), / об/м	27.9 (38)/2600		
Цилиндрни ҳаво билан таъминлаш усули	турбобосим чиқаришсиз		
Трансмиссияси	механик		
Ўтказмалар сони, олд/орқ	12/12		
Тезлик диапазони , км/с			
Олдинга	1,22 – 23,69		
Орқага	1,16– 22,53		
ВОМ тури, о.к	540		
Айланиш частотаси,об/мин			
тезлиги I/II/III	мустикал/30		
Трактор коляси, мм		Ҳажм ўлчамлари, мм	
Орқа ғилдиракларда	1022-1338	Кенглиги (минимал коляда)	3289
Олд ғилдиракларда	1068	Баландлиги	1380
Трактор базаси	1660	Балластсиз ишлайдиган оғирлик, кг	1405

«New Holland TT40» БОҒДОРЧИЛИК ТРАКТОРЛАР[1, 10-6.]

Двигател	Simpson
Модель қуввати (о.к)	42
Максимал тезлиги (км/соат)	30
Тезлик узатиш боскичлар сони	8/2
Цилиндр сони (дона)	3
В.О.М об/мин	540
Узунлиги (мм)	3440
Кенглиги (мм)	1700
Оғирлиги (кг)	1738
Ёнилғи бакининг ҳажми (л)	60



«John Deere 3045B» БОҒДОРЧИЛИК ТРАКТОРЛАРИ [1, 11-6.]

Цилиндрлар сони ва ҳажми	4 цилиндр. 2.977	
--------------------------	------------------	--

Номинал қуввати кВт/ от кучи	33,1/45	
Двигателнинг айланиш тезлиги	2300	
Тезлик қадамдамлар, олдинга/ орқага	12/12	
Уч нуқтали узатма	1-кат.	
ВОМ об/ мин./	540/720	
Трактор коляси,мм орқа ва олди ғилдираклар	1200-1300	
Трактор базаси, мм	1960	
Ўлчамлари, мм		
Узунлиги	3570	
Кенглиги (минимал коля бўйича)	1670	
Баландлиги	2420	
Оғирлиги (кг) балластсиз	2000	

«TTZ-LS U62» БОҒДОРЧИЛИК ТРАКТОРИ [1, 12-б.]

Тури	Боғдорчилик		
Ғилдирак формуласи	4К4		
Двигатель тури	4-тактли, 4-цилиндрли		
Ҳажми, л	2,62		
Номинал қуввати, кВт,(о.к),айланиши, об/м	45,6(62)/2500		
Тсилни ҳаво билан таъминлаш исули,	Турбобосим билан		
Трансмиссия	Механик		
Ўтказмалар сони, олд/орқ	16/16		
Тезлик диапозони, км/с			
Одинга	1,12-24,05		
Орқага	0,99-24,05		
ВОМ (тури, о.к)	Мустақил/58		
Тезлиги I/II/III	540/750/1000		
Трактор коляси, мм			
Орқа ғилдиракларда	1302-1718	Кенглиги (минимал коля бўйича)	1790
Олди ғилдиракларда	1410-1742	Баландлиги	3778
Трактор базаси	2047	Балластсиз ишлайдиган оғирлик, кг	2370
Узунлиги	1980	Ёнилғи бак ҳажми, л	115

«TTZ 812» ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТРАКТОРИ [1, 13-б.]

Номинал қуввати, кВт (о.к.)	59.6/81	
-----------------------------	---------	--

Маркаси	Д-243	
Гилдираклар формуласи	4К4	
Солиштира ёнилғи сарфи, г/(кВтч)	229 ⁺³	
Узатма қутиси	механик	
Узатмалар сони, олдинга/орқага	18/4	
Орқа осмал курилманинг юк кўтариш қуввати		
Гидросистема баки сиғими, л	3200	
Дизель коленчат валининг номинал частотада айланишидаги насос (волуметрик) оқими, л/мин, энг ози билан	25,5+- 0,5	
Шиналар	45	
Олди	11,2-20	
Орқа	15,5R38	
Рухсат берилган максимал оғирлик (масса),	6500	

«TTZ 811» ПАХТАЧИЛИК ТРАКТОРИ [1, 16-6.]

Тури	Пахтачилик
Двигатель тури	4 тактли, 4 цилиндрли
Сиғими	4,75
Қуввати кВт/л.с.	59,6/80
Трансмиссияси	механик
Тезликлар сони олдинга/орқага	12/12
Олдинга, соатига/км	1,78-36,03
Орқага, соатига/км	1,88 – 37,88
Колеяси, мм	1400-2000
ВОМ, минутага/айланиши	540/1000
Оғирлиги (массаси)	3530



«New Holland TD5.110» УНИВЕРСАЛ - ШУДГОРЛОВЧИ ТРАКТОР [1,18-6]

Модел	Case TD5.110
Case TD5.110	3,9
Мощност, л.с.	110
Максимал тезлик	30
Тезлик сони	12/12
Цилиндрлар сони	4
ВОМ айланишлари (об/мин)	540/1000
Узунлиги мм	4150
Кенглиги мм	2000
Оғирлиги (КГ)	4400
Ёнилғи баки ҳажми (Л)	110
Колея,мм	1600-1800



Хулоса қилиб айтганда, юртимиз тараққиёти йўлида қатор қишлоқ хўжалиги техникаларига талаб ошиб борганлиги туфайли бир-биридан қулай, самарали ва чиройли дизайнга эга техникаларни ишлаб чиқариш бугуннинг муҳим вазифаларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каталог. Ўзагротехсаноатхолдинг маҳсулотлари. – Тошкент. – 80 б.
2. Ахметов А.А. «Универсально-пропашные тракторы для междурядной обработки посевов хлопчатника»– Ташкент, 2017. – 240 с.
3. Ахметов А.А. “ О точном земледелии” – Ташкент, 2018. – 44 с.
4. Хаджибаева Н.Х., Хасанова М.А. Фермерлар учун трактор дизайни// Битирув малакалий иши. – Тошкент: ТДТУ, 2016. –53 б.
5. www.uzatsx.uz.
6. info@uzatsx.uz.
7. reception@uzatsx.uz.